ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 13 сентябрь № 36 (213) ● Сотувда нархи эркин

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

1996 йилнинг биринчи ярмида Халқаро ҳисоб-китоб ва шартномалар Марказида (ХҲКШМ) кўрсатилган хизматлар учун тўлов ишларини амалга ошириш, имзоланган келишувларни аниқлаштириш ва биринчи ярим йилликда алоқа хизмати кўрсатиш ҳажмларининг ўзгариши муносабати билан уларга тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича ишлар бажарилди.

Сир эмас, кўплаб корхоналар қатори ушбу Марказдан 1 -2 йил олдинги қарзларини ҳалигача тўламаган давлатлар, ташкилотлар мавжуд. Оқибатда ХҲКШМнинг дебиторлик қарзи 1996 йилнинг 1 июлида 5,96 миллион, кредиторлик қарзи эса 6,72 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Энг йирик қарздорлардан бири Тожикистон Республикаси бўлиб, унинг ХҲКШМдан қарзи 3,4 миллион долларга етди.

Республикамиз корхоналарининг дебиторлик қарзи ўтган йилга нисбатан бирмунча қисқарса-да, бироқ умумий қарз миқдори ҳали ҳам юқори — 272 миллион сўмдир. Хусусан, «Ўзбектелеком»нинг ХҲКШМга қарзи 1996 йилнинг 1 июлида 175,6 миллион сўмни ташкил этди.

Марказ халқаро телефон алоқасини ривожлантириш бўйича ишларни бир маромда давом эттирмоқда. Йилнинг биринчи чорагида электралоқа хизмати юзасидан хорижий давлатлар билан тузилган шартномалар муддати яна узайтирилди. Ростелеком, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Молдова билан шартномалар қайтадан тузилди.

Сингапур давлати билан Ўзбекистон оралигида 6 та алоқа канали ишга туширилди. Шунингдек, Исроил давлати билан Ўзбекистон оралиғидаги каналлар сонини 8 тадан 30 тага ошириш бўйича ишлар олиб борилди, бу эса келажакда АҚШнинг US Sprint компанияси билан бевосита транзит каналларини ишга тушириш имконини беради. Айни пайтда Жанубий Кореянинг DACOM компанияси билан 512 кБ/с ли 6 та рақамли канални ишга тушириш масаласи ҳал қилинди.

Чет элликлар билан самарали ҳамкорлик натижасида халқаро телефон алоқаси учун 3,02 миллион доллар миқдорида ижобий қолдиққа (сальдога) эга бўлинди. Ваҳоланки, режада 940,4 минг доллар кўзда тутилган эди.

Шартномаларга кўра ижарага олинган каналлар талабгорлари билан келишув ва тўлов ишлари амалга оширилди. Чет эллик ҳамкорлардан келишилган ҳисоб-китоб рақамлари бўйича тўловларнинг келиб тушиши устидан назорат амалга оширилди, зарур ҳолларда тегишли ҳамкорлар билан ёзишмалар олиб борилди ва борилмоқда.

Ўтган даврда МДҲ мамлакатлари алоқа Маъмуриятлари билан ўзаро амалий муносабатлар учун зарур булган материаллар ва ҳужжатлар ҳозирланди. «Голос России», Россия, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон телерадиокомпаниялари билан ўзаро ҳамкорлик мақсадида шартномалар тайёрланиб, уларга юборилди.

Тожикистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Президент Маҳкамаси, Маданият ва ахборот вазирлигига шартнома имзолаш ва қисқа муддатларда қарзларни тўлаш тўғрисида бир неча бор мурожаат қилишимизга қарамасдан, мазкур давлат Маданият ва ахборот вазирлиги билан тузилган шартнома Тожикистон вакиллари томонидан ҳалигача имзоланмаган йўқ. Худди шунга ўхшаш ҳол Туркманистон Республикаси билан ҳам такрорланди.

Халқаро почта жўнатмаларини айирбошлаш ва хорижий мамлакатлар почта Маъмуриятлари билан (Тожикистон ва Туркманистондан ташқари) ўзаро ҳамкорлик 1989 йил Вашингтонда ва Суздалда имзоланган Регламент ва Актларга кўра амалга ошириб борилмоқда. Тожикистон ва Туркманистон почтаси Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтгани боис, 1996 йили бу давлатлар билан почта жўнатмаларини айирбошлаш ва ўзаро ҳисоб-китоб олиб бориш тўғрисида алоҳида шартномалар имзоланди.

Жўнатиш операциялари бўйича Молдова билан шартнома имзоланди, Белорус билан шартнома қайта тузилди. Россия, Қозоғистон ва Украина билан шартномалар муддати узайтирилди. Айни пайтда қуруқликдан жўнатилувчи халқаро почта юбортмалари учун махсус режа тузилмоқда, тарифлар ишлаб чиқилмоқда.

Жўнатиш операцияларини тартибга солиш ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича ҳам бир қатолр ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Сеул Конгресси ҳужжатларига биноан Туркия, Шимолий Корея, Швейцария, Англия, Финляндия ва ГФРга дебиторлик қарзларини тўлашни тезлаштириш мақсадида тўғридан-тўғри ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими ҳақидаги ҳамда Покистон, АҚШ, Литва, Латвия, Эстонияга умумий ҳисоб-китоблар хусусидаги таклифлар жўнатилди.

М. ХОЛМУРАТОВА,
Халқаро ҳисоб-китоб ва шартномалар Марказининг бошлиғи



Шаҳлохон РАҲМАТИЛЛАЕВАнинг Чирчиқ шаҳридаги 09 хизматида иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Маргарита МАСЛЕННИКОВА эса 24 йилдан буён шу ерда ишлайди. Ёшликка хос гайрат-иштиёқнинг бой тажриба билан ёнма-ён бўлиши меҳнат самарадорлиги учун муҳим омил бўлаётир.

Суратказш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

●ЯНГИЛИКЛАР ● ВОҚЕАЛАР ●ХАБАРЛАР

● Матбуотда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, шунингдек, «Селекция ютуқлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни эълон қилинди.

● Тошкентда республика енгил саноатига хорижий сармояларни жалб этиш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз пойтахтининг энг гўзал масканларидан бири — «Юнусобод» теннис мажмуида бир ҳафта давом этган спорт байрами ниҳоясига етди. «Президент кубоги» учун учинчи марта ўтказилган анъанавий мусобақа голиби ва совриндорлари аниқланди.

● 5 октябрь куни Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўп кунлик супермарафонга старт берилади. Унинг қатнашчилари Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳудудларидан белгиланган йўналиш буйича ўтиб, 19 ноябрь куни Тошкентга келишлари кутилмоқда.

● Тожикистон халқи миллий байрам — Мустақиллик кунининг беш йиллигини нишонлади.

● Москва яқинида хаста юрагини операция қилишга тайёргарлик кўраётган Россия Президенти Борис Ельцин бир кунлик ташриф билан бу ерга келган Германия канцлери Гельмут Коль билан учрашди. Улар икки томонлама муносабатлар билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр айирбошлашди.

● Япониянинг Окинава префектураси аҳолиси референдумда кўпчилик овоз билан АҚШнинг бу ерда жойлашган ҳарбий қўшинларини камайтиришни еқлаб овоз берди. Лекин амалдаги қонунларга мувофиқ ушбу референдум натижалари бирор ҳуқуқий кучга эга эмас.

● Ирландияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашувида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди.

● Америкалик машҳур «чарм қўлқоп» устаси, профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони Майк Тайсон Лас-Вегас шаҳрида Бутунжаҳон бокс ассоциацияси тасарруфи остида утказилган жаҳон биринчилиги учун беллашувда ҳамюртини 103 секундда еқ маглубиятга учратди. Бу ғалаба унга 15 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад келтирди.

«СИМЕНС» — САМАРҚАНДДА

Жаҳонга машҳур «Сименс ва Гальске» фирмаси 1904 йили Тошкентда умумий фойдаланишга мўлжалланган биринчи телефон станциясини қурган эди. Орадан 90 йил ўтиб «Сименс АГ» номини олган бу фирма яна Ўзбекистонда қатор алоқа иншоотларини бунёд эта бошлади. Бу фирма иштирокида Тошкентдаги 10 минг рақамли 37 ва 62-АТСларда пайвандлаш ишлари ниҳоясига етказилди,91, 95-АТСларда эса ишлар давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг охиригача ҳаммаси бўлиб пойтахтда 40 минг рақамли АТС фойдаланишга топширилади. «Сименс АГ» фирмаси Самарқанд шаҳрида ҳам 20 минг рақамли АТСни бунёд этиб, фойдаланишга тахт қилиб қўйди. Мазкур янги АТС мажмуи эски АТС мижозларига хизмат кўрсатади. Янги рақамли станция ишга тушса, самарқандликлар дунёнинг исталган шаҳри билан боғлана олиш имкониятига эга бўладилар.

А. КУДИНОВ

БУ МЕҲНАТ ХОЛОС ...

Тўйга тўёна билан келиш халқимизнинг азалий удуми. Кўпгина алоқа корхоналари Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрамини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишди. Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани электралоқа бирлашмаси ана шундай аҳил жамоалардан биридир. Шуниси диққатга сазоворки, жамоа аъзоларининг аксарияти ёшлардан иборат. Корхона раҳбари Шарифжон Мамадалиев эндигина ўттизни қоралаётган бўлса, бош муҳандис Ўктам Бозоров йигирма етти ёшда. Ҳар иккиси ўз ишига астойдил ихлос қўйган, касбига садоқати туфайли Баҳмал, Форишдай жаннатмакон отаюртидан чўлга келиб ишлашяпти. Шоир таъбири билан айтганда, «бу меҳнат холос»...

Мухбиримизнинг Дўстлик тумани электралоқа бирлашмасининг бошлиғи Ш. МАМАДАЛИЕВ билан суҳбати ҳам ана шу камтарона меҳнат хусусида бўлди.

— Мустақиллик байрамини яхши меҳнат натижалари билан кутиб олаётганимиздан мамнунмиз, — дейди Шарифжон Мамадалиев. Ярим йиллик иш якунлари кўриб чиқилганда кўпгина кўрсаткичлар бўйича вилоятда биринчи ўринда эканимиз маълум бўлди. Беш юз ўн беш минг сўм соф фойда олдик. Олти ойлик тушум 3 миллион 246,2 минг сўмни ташкил этди.

— Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмагандир?

— Албатта. Ҳамма ишни одамлар — ўз ишининг усталари қилади. Жамоамизда 34 киши меҳнат қилади. Уларнинг қирқ фоизга яқини русийзабондир. Мижозларга давлат тилида хизмат кўрсатишади.

Малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Билимга чанқоқ ёшларни ўқишга юборамиз. Ҳозир жамоамизда уч нафар олий маълумотли мутахассис бор, бир киши алоқа коллежини битирган.

—Чўлда алоқа хизмати кўрсатишнинг ўзига яраша мураккабликлари бўлса керак?

— Худди шундай. Ер ости шўр сувлари ишимизга анча халақит беради. Бунинг устига кабеллар эскириб қолган, лекин коримизга яраб турибди. Туманимизда жами 1050 та телефон нуқтаси бор. 80-йилларда ўрнатилган 100/2000 маркали АТСлар энди эскирди. Бу АТСлар 1500 та телефонга мўлжаллаб монтаж қилинган. Талабгор мижозларга телефон ўрнатиб бериш имкониятимиз бор. Телефон ўрнатиш нархи 1300 сўм.

— Бошқа вилоятларда, қўшни Сирдарёда хорижлик ҳамкорлар билан замонавий алоқа станцияларини бунёд этиш ишлари авж олиб кетди. Сизларда ҳам шундай ҳавас бўлса керак?

— Замонавий алоқа жиҳозларини орзу қилмайдиган алоқачи бўлмаса керак. Малайзиялик ҳамкорлар келиб, имкониятларимизни чамалаб кетишди. Худо хоҳласа 2000 йилларга бориб хайрли ишларнинг гувоҳи бўлармиз. Миллий дастурда бу ишлар кўзда тутилган. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Дўстлик номидаги 27 ва Қосим Раҳимов номидаги 13-ширкат хўжаликларида 100 рақамли АТСлар қайта тикланди. Янги ҳаёт маҳалласида янги телефон линияси ишга тушади. Бунга кетадиган маблағнинг ярмини ўз фойдамиздан қопламоқчимиз.

— Муаммолар ҳақида ҳам бир оғиз гаплашсак.

— Дебитор қарзлар масаласи асосий муаммолардан бири. Ҳозир ушбу қарз 1 миллион 562,9 сўмни ташкил этади. Ҳамма чора-тадбирларни кўраяпмиз. Тегишли идораларга қайта-қайта расмий мурожаат қиляпмиз. Огоҳлантиряпмиз. Шунда ҳам кор қилмаса, телефонларни узиб қўямиз.

— Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш қандай аҳволда?

— Ходимларимизнинг ўртача ойлик маоши 1,5 минг сўмни ташкил этади. Ҳар ойда 30 фоиздан мукофот берилади. Раҳбариятга дахлдор ходимлар эса ҳар чоракда мукофот олишади. Бундан ташқари, меҳнат ва жамоа шартномаларида турли имтиёзлар ва моддий ёрдам кўзда тутилган. Тўй-тўлқин, марака-маросимларда баҳоли қудрат одамларимизга ёрдам қўлини чўзамиз.

А. САТТОРОВ
суҳбатлашди



Маргарита Валентиновна Шумская чорак асрдан буён алоқа соҳасида меҳнат қилиб келаётир. У Тошкент шаҳарлараро телефон станциясидаги кўпгина жиҳозларни монтаж қилишда қатнашган. Ҳозир М. Шумская электромеханик вазифасида хизмат қилмоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

МАЗМУНЛИ УМР

Инсонлар бўладики, ёруғ оламга келиб, ўзининг эл-юртига, маҳалласига, оиласига фидойилиги, жонкуярлиги билан кишиларни ҳайратда қолдиради. Мазмунли умри билан бошқаларга ибрат кўрсатади. Ана шундай инсонлардан бири Қурбон ота Рўзиевдир.

Қурбон отанинг ёшлиги осон кечмаган. У киши 1942 йили барча қатори Ватан ҳимоясига отланган, жанггоҳларда жон олиб, жон берган. 1944 йили ўсиб-улғайган юрти Нуротага ногирон бўлиб қайтди. Урушдан кейинги тикланиш ишларига ўз ҳиссасини қўшди.

Ҳикоямиз қаҳрамони аввалига туман кинолаштириш идорасига раҳбарлик қилди. Сўнгра 1948 йилнинг июнь ойидан то нафақа ёшига қадар отанинг 40 йиллик меҳнат фаолияти алоқа хизмати кўрсатишдек мураккаб, лекин шарафли касб билан чамбарчас боғланди. Қурбон ота 1960 йилгача телефон мантўри бўлиб ишлади. Туманда ота кирмаган хонадон йўқ. Отанинг қўли теккан ҳар бир радио ҳамиша соз ишлаб турарди. Шу боис ҳам туман аҳли ҳалигача отани «Қурбон радиочи» деб эслашади.



Отахоннинг беминнат хизматлари алоқа раҳбарлари томонидан инобатга олинди. 1978 йили «Фахрий радист» мукофоти билан тақдирланди. Қурбон ота қаерда хизмат қилмасин, ўз касбу корига ихлоси, сидқидил меҳнати билан ҳурмат-эътибор топаверди.

Қурбон ота ўз оиласининг катта суянчи, меҳрибон йўлчисидир. Отанинг умр йўлдоши Хуршида ая ҳам туман алоқа боғламасида 40 йилдан зиёдроқ меҳнат қилди. Тумандагилар аянинг телефончилик даврини, ширин муомаласи ва гўзал фазилатларини ҳали-ҳамон эслаб юришади. Яқинда Қурбон ота ва Хуршида ая турмуш қурганликларининг ярим асрлик олтин тўйи нишонланди. Эллик йил муттасил ҳаётнинг жамики аччиқ-чучугини тотишган бу табаррук инсонларнинг ҳаёт йўли чиндан ҳам ҳавас қилгулик... Мен ана шундай ажойиб инсонлар хонадонига келин эканлигимдан фахрланаман. Бу икки инсонга боқий умр тилаб, алоқачи сифатида улардек элу юртга сидқидилдан хизмат қилсам, дейман.

Адолат ХУДОЙҚУЛОВА,
Нурота тумани, 11-алоқа бўлими ходими, Навоий вилояти

ТЎЙ-ТЎЙГА УЛАНСИН

Фарғона вилояти почта алоқа корхонаси кейинги пайтларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва хизмат турларини кўпайтириш борасида кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Яқинда Бағдод туман почта алоқа бирлашмасида яна бир эзгу ишга қўл урилди. Боғламада кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилаётган Обид Йўлдошев, Хайрулло Қамбаров, Маъруф Сулаймонов, Эрмат Сулаймонов, Мурод Каримов ва Тўлқин Бектемировларнинг фарзандлари — Маликжон, Баҳодир, Санжар, Миржалол, Отабек ва Фарҳодларнинг корхона ҳисобидан суннат тўйи ўтказилди.

Тўйболаларга Бағдод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуманнон Асқаров, вилоят почта алоқа корхонаси бошлиғи Нуъмонжон Каримов, туман маҳалла хайрия жамғармаси раиси Рустамжон Раҳмонов, Бағдод туман почта алоқа боғламаси касаба уюшма қўмитаси раиси Салимахон Жўраевалар томонидан совғалар топширилди.

Р. ҚАМБАРОВ,
Бағдод туман почта алоқа боғламаси бошлиғи,
Фарғона вилояти

РЕЖА УДДАЛАНМОҚДА

Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг тармоқ ва боғламаларида давлатга қора ва рангли металл чиқиндиларини топшириш бўйича белгиланган саккиз ойлик р ежа ортиғи билан бажарилди. Ўтган даврда 16 тоннадан зиёд қора ва 1600 килограммга яқин рангли металл чиқиндилари йиғиб топширилди. — Бу муваффақиятга белгиланган режани 150-200 фоиздан қилиб бажарган Дўстлик, Ғаллаорол, Пахтакор туманлари ва Жиззах шаҳар электралоқа тармоқлари салмоқли ҳисса қўшдилар, — дейди вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғининг ўринбосари Одилжон Абдуалиев. — Биз ўз имкониятларимизни чамалаб қўйдик. Бу борадаги йиллик режани муддатидан икки ой олдин уддалашни ният қилдик.

Й. УРДУШЕВ,
Жиззах вилояти

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ромитан тумани электралоқа корхонасининг шаҳарлараро телефон станцияси муҳандиси Салим АСАДОВни таваллуд кунлари билан қизғин қутлаб, у кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

Ҳамкасб дўстлари

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 35-сонида эълон қилинган «Брифинг ўтказилди» номли хабарда биринчи абзацдаги юқоридан «Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари» 11-12 сатрлари «Алоқа вазирининг ўринбосари» деб ўқилсин.

БОШ ТЕБРАТАР СОАТ КАФТГИРИ

Ёшгина ҳайдовчи йигит билан иш юзасидан бир жойга бордик. У ерда машҳур оқсоқол адибимиз Одил Ёқубовни учратиб қолдик. Астойдил ҳол-аҳвол сўрашиб, хайрлашгач, ҳайдовчидан сўрадим.

— Ҳалиги оқсоқолни танидингизми?

— Йўқ.

— У киши Одил Ёқубов бўладилар.

— Ҳайдовчи елкасини бир қисиб, бош тебратди.

— Нима, Одил Ёқубовни билмайсизми?

— Йўқ, билмайман.

— Ахир у киши халқимизнинг севимли ёзувчисику?! — дея куйиниб, ёзувчини машҳур асарларини санай кетдим. Китобини ўқимаган бўлса, зора телевизорда кўргандир дея экранлаштирилган асарларини эслатдим.

Ҳайдовчи йигит ўйланиб қолди. Одил Ёқубовни мутлақо билмаслиги ёки эшитмаган бўлиши мумкин эмас, мана ҳозир эсига тушиб қолади дея тахмин қилдим. Аммо йигитчанинг ногоҳ берган саволи мени баттар ҳайратлантирди:

— Бу... ёзувчи дегани шоирда-а?

«Ана холос!» дедим ўзимча хит бўлиб. Энди унга ёзувчи билан шоирнинг фарқини тушунтириб беришим керак эди.

— Бу... ёзувчи дегани ҳикоя, қисса, романлар, шоир эса шеър, достонлар ёзади. Нима, мактабда ўқитмаганми?

— Э ака, мен фақат футболга қизиқаман!

— Шундай денг! Афсус, кўп афсус!..

Мен афсусланганлигимни яширмадим. Кор қилишқилмаслигидан қатъий назар, футбол ишқибозига ўзимча насиҳат қилган бўлдим.

Энди, юқоридаги воқеа баҳона, дўппини ёнга қўйиб, мундоқ ўйлаб кўрайлик. Айрим ёшлар ўқишга қизиқмайди, китоб ўқимайди, қадриятларга, санъат, адабиётга лоқайд дея зорланамиз. Тўғри, бу гапларда жон бор. Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ўтиш даврининг мураккабликлари баъзи ёшларни андак чалғитди. Улар келажагини унутиб, фақат бугунги кунни, оний лаҳзалик фойданигина ўйлаб иш тутишнинг оқибатини яхши ҳис қилмаяптилар. Энг ачинарлиси — улар инсон учун энг қимматли неъмат — ВАҚТнинг қадрига етмаяптилар. Шоирнинг ўттиз йил олдин битган мана бу сатрлари эса ҳали-ҳамон долзарбдир:

Бош тебратар соат кафтгири,
Дер: қадримни билмас одамлар.
Секунтларим гавҳар ҳар бири,
Неча парво қилмас одамлар?!

Бош тебратар соат кафтгири,
Шошит одам, ўтмоқдадир он.
Ҳар нарсанинг бўлар охири,
Бош тебратиб қолма сўнг,
инсон!

Ёшлардан ҳар қанча нолимайлик, ранжимайлик, уларни машинанинг эҳтиёт қисми каби бошқасига алмаштириб бўлмайди. Болалар ўзимизники. Уларни маънавий баркамол, комил инсон қилиб тарбиялаш биз — катталарнинг зиммасида. Бунинг учун эса, яна ўша эски гапни такрорлаш зиён қилмайди — тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак!.. Афсуски, мана шу ўринда айрим катталарнинг тили қисиқ. Чунки ўзимиз китоб ўқимаймиз, театрга тушмаймиз, рассомларнинг кўргазмаларига, санъат музейларига бормаймиз. Бунинг ўрнига чойхоналов, соатлаб карта, нарда ўйнаймиз ва ҳ. к. о.

Қуш уясида кўрганини қилади. Панд-насиҳат ҳам керак, аммо шахсий намунанинг таъсири, фойдаси самаралироқ бўлишини унутмайлик.

Келажаги буюк давлатни маънавий баркамол инсонлар бунёд этади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов яқинда «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувида инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси, Ватан, халқ олдидаги бурчни англаши маънавият орқали намоён бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтгани ҳам бежиз эмас.

Шодмон ОТАБЕК

КУЛГИ ДАРҒАЛАРИ БИСОТИДАН

ҚУТҚАРУВЧИГА МУКОФОТ

Юсуф қизиқ билан Оҳун қизиқ «Комсомол» кўлида ёзда айланиб юришибди. Ҳамма чўмиляпти, иккита устоз кетишяпти. Оҳун қизиқ бир ерга келиб, деворга қараб тўхтаб қолибди.

— Ҳа, юр Оҳун, — дебди Юсуф қизиқ.

— Э-э, бу ёққа келинг, уста, дебди Оҳун қизиқ. — Мана, пул топадиган жой! Мана Сизга уқиб берай: «Чўкиб кетаётганни олиб чиқса, 50 сўм мукофот».

Кўрдингизми, ана! Ҳа-а, мен ўзимни сувга ташлайман, Сиз «дод!» дейсиз, кўзларимни ола-кула қилиб тураман — 50 сўм мукофот! Ана кўрдингизми, бир кунда ўн марта чўкаман, — дебди.

Юсуф қизиқ «ташла ўзингни!» деган экан, Оҳун қизиқ бир чўқур жойга ўзини ташлаб юборибди. Шунгиб чиқиб, кўзларини ола-кула қилиб турса ҳам, кулоқларига сув кириб кетаётган бўлса ҳам Юсуф қизиқ тепасида индамай турганмиш.

— Ҳа, уста, «дод!» демайсизми, сувнинг тагига кириб кетяпман-ку, — деб бақирибди Оҳун қизиқ.

— Чўкавер, чўкавер! — дебди Юсуф қизиқ.

— Ахир у ёғига кирсам ўламан-ку! — деб бақирибди Оҳун қизиқ.

— Киравер, киравер, — дебди Юсуф қизиқ, — тагини уқимаган экансан, ўлингини олиб чиққанга юз сўм берар экан...

КУЁВ ҚОЧДИ

Уртоқларимдан бири уйланадиган бўлиб, мендан маслаҳат сўради, — дея ҳикоя қилди Оҳунжон қизиқ.

— Сиз уйлангансиз, тажрибангиз бор, бироз менга расм-русумлардан тушунтирсангиз.

— Хўп бўлади, — деб расм-русумларни санаб кетдим, — куёвга поендоз солиб, ичкарига таклиф этишади. Шунда отга ўхшаб икки марта кишнаб юборасан. Келинни қутариб олинг дейишганда, эшакка ўхшаб ханграйсан...

Куёв тўра келин пошшани кўрмасдан, одамларнинг мақтови таъсирида уйлангандилар. Тўй куни менинг айтганларимни қилдилар.

— Оббу, куёв эшшак чиқиб қолди-ку, дейишди қуда томон.

Гўшангтага кириб, куёв келининг юзларини орзиқиб очмоқчи бўлиб мундоқ румолни қутармоқчи эдилар, келин пошша қаршилик кўрсатдилар:

— Анувлани қаранг, мунча шошасиз, ҳалиги... нима эди-я... ҳа, шартим бор...

— Нима шартингиз бор, жоним, айта қолинг!

— Мен бу хонадонда кимдан қочай—акангизданми, поччангиздами, тоғангиздами?...

Куёв тўранинг кўзи ҳиел очилиб қолган келин пошшанинг юзларига тушди: бир бедаво, шундай чўтирки, бетига дон сепиб юборса, биттасиям ерга тушмайди. Куёв уйламай-нетмай саволга дарҳол жавоб қайтарди:

— Аввал узимдан қоч!

• Мерос •

Аҳмад ибн СУЛАЙМОН

ҚУВВАТНИ ОШИРУВЧИ МУРАККАБ ДОРИЛАР

Арпабодиён уруғи билан таратизак уруғининг ҳар биридан беш мисқолдан олиб майдалаб янчилади ва сигир сути билан қориштириб ҳаб дори тайёрланади. Ундан бир мисқол олиб ҳаммомда сирка, мой ва итузум шарбати билан қўшиб, баданга суртилса, яхши фойда беради.

* * *

Пиёз сувидан бир мисқол, асалдан икки мисқол олиб, бир идишда паст олов билан қизитилади. Сув парчаланиб тугаши билан дори тайёр бўлади. Уйқу олдидан шу асалдан икки қошиқ еб ухлашлик совуқ мижозли кишилар учун жуда фойдалидир.

* * *

Петрушка ва шакардан бир миқдорда олиб, сариёғ билан аралаштириб уч кун истеъмол қилинса ўз кучини кўрсатади.

* * *

Назла ўти, занжабил, рус арпабодиёни, қора зиранинг ҳар биридан 70 граммдан, ҳарбақ, оқ пиёз уруғи, таратизак уруғидан, жувона ва беда уруғидан 20 граммдан олиб янчилади. Сўнгра элаб, кўпиги олингач, асал билан аралаштириб, хамир шаклига келтириб олиб қўйилади. Дармони қуриган ва совуқ мижозли кишилар учун у жуда фойдалидир.



БУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

СОЙ СУВИ

Инсон ҳаёти сой сувидек тошқин ва ўйноқи бўлгани яхши. Кўлнинг суви тиниқ бўлгани билан шўр. Уни на ичиб бўлади, на экин суғориб...

ИНСОФСИЗГА «ОЛ» ДЕСА...

Инсофсизга «Боққа кириб олма е!» десангиз, дарахтни илдизи билан суғуриб олади.

ҚИЗИҚЧИ ВА ҲАЖВЧИ

Ўзи йиғлаётган одам ҳеч қачон бировни кулдиролмаслиги аниқ. Бироқ кулиб туриб йиғлатишдан осони йўқ. Бундай кимсаларнинг аксарияти бевақт ёққан ёмғирга ўхшайди. Бу хилдаги ёмғир аввалига кишига ҳузур бағишлаётгандек туюлади-ю кўп ўтмай унинг зарари кўзга ташлана бошлайди. Бу ўринда қизиқчини момақалдироққа, ҳажвчини эса чақмоққа ўхшатса бўлади. Чунки момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чаққани билан ҳа деганда ёмғир ёғавермайди. Момақалдироқ ҳавони тозаласа, чақмоқ баъзи ҳашоратларни қириб, кишиларнинг кўзини очиб, дилини равшан қилади.

ЧАҚИМЧИ

У худди тухум ўғирлаган ҳаккадек атрофга олазарак қараб, бошлиғига нималардир деди-да, хонадан сув илондек силлиққина чиқди.

ҚАРҒА

Қарға қўнган жойини ё ифлос қилади ёки титиб кетади.

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ, ОТАУЛИ, Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Саид СИДДИҚОВ, Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0536. 7821 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 123456

ДУШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

8.30 Эстрада тароналари.
9.00 «Жараён». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Мусаввир нигоҳи». Телефильм.
9.40 «Доно бобо даврасида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Она-замин саховати». Телекихкя.
10.35 «Телевизорни ўчиришни унутманг!». Бадиий фильм.
11.50 «Экология ва саломатлик».
12.20 Абдухолик Абдураззоков. «Ўрток Бойкенжаев ва бошқалар...» Видеофильм.
13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 Анвар Обиджон. «Кулги бўлар ҳаммага». «Томоша» болалар фолклор театрининг спектакли.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оҳанглар оғушида».
20.00 Фан уфқлари.
20.15 Ўқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 «Рангин дунё».
21.40 «Морена Клара». Телесериал.
22.25 «Алломий авлодлари». Миллий кураш. Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир.
23.05 «Санъат дустликка чорлайди». Станция таассуротлари.
23.20 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оламга саёҳат».
00.25 Тунги тароналар.
00.35 — 00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.30 «Курьер».
21.50 «Прайм-тайм». Телевидение хаетидан.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Санта-Барбара». Телевизион радиний фильм.
23.30—00.30 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тоғ капалаклари». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
18.20—19.20

19.20 «Вояджер». 1-фильм (Англия).

Россия жамоат телевидениеси
19.45—20.35

20.35 Эълонлар.
20.40 «Янги қурбон». Телесериал.
21.30 «Кўриҳона-ороллар». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
21.45 — 23.00

23.00 — 23.05 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари». Ўсмирлар учун кўрсатув.
19.45 Эълонлар.
19.55 «Чирок».
19.45 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
20.30 Эълонлар.
20.35 «МКК». Ретроспектива-95».
20.55 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.15 «Кафолат».
21.45 «Спорт-тайм».
22.15 Эълонлар.
22.20—22.30 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
8.50 «Куз лавҳалари». Кинодастур.
9.00 «Фермер». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Оқ рух».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Адабиет.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 «Савойя»нинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.30 «Ал-Бируний орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур».
20.15 Ўқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Оҳанглардан тараган меҳр».
21.40 «Алломий авлодлари». Миллий кураш. Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир.
22.25 «Замон».
22.55 Мусиқий саёҳат.
23.25 «Альманах-ТВ».
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оҳанглар оғушида».
20.00 Фан уфқлари.
20.15 Ўқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-чик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.50 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка+...»

Россия давлат телевидениеси
18.30 — 19.20

19.20 «Қўнғир айиқ ҳақида». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

19.45—20.35

20.35 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокурсатув.
21.15 Эълонлар.
21.20 «Янги қурбон». Телесериал.
22.05—22.10 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
19.30 «Клип-антракт».
19.35 «Она».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион радиний фильм.
20.50 «Клип-антракт».
20.55 «02» тўлкинида.
21.10 «Каталог».
21.25 «Эколот-коктейль».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Клип-антракт».
22.05 «Кобра». Телесериал.
22.50 Эълонлар.
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Мусиқий саёҳат.
8.45 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
9.05 «Тараққиет». Публицистик курсатув.
9.30 «Альманах-ТВ».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Харакатда — барака». Телеочерк.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Зоология.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Ассалом, япон тили».
12.10 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари яккахонларининг концерти.
12.35 «Бозор иқтисодиёти асослари». Публицистик курсатув.
12.55 «Ўрдак кули воҳаси». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гулларимиз».
18.25 «Сўз — Сизга». Ешлар учун кўрсатув.
18.40 «Таълим — мустақиллик пойдевори».
18.50 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир».
18.55 «Оҳанглар оғушида».
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик курсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адолат». Публицистик курсатув.
20.15 Ўқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Зилол». Фольклор-этнографик жамоаларнинг телефестивали.
21.45 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.00 «Талқин. XX аср».
22.25 «Автоолам».
22.55 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дустлик» — «Пахтакор».
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кўнг уйилаб...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион радиний фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Узга сайёраликлар». Мультфильм.
18.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестри концерти.

Россия давлат телевидениеси
19.00 — 19.20

19.20 «Қизилтўш қуш». «Оҳангдор нақшлар дунёсида». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

19.45—20.35

20.35 Эълонлар.
20.40 «Янги қурбон». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Хонаданинг тақдири». Бадиий фильм.
22.50—22.55 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.30 «IV канал эксклюзиви».
19.50 «Китоб дукони».
20.00 Эълонлар.
19.55 «Буюк Ипак йўли».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Бу ажиб дунё».
20.25 «Тошкент оқшомида».
20.55 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.40 «Дастхат». Дам олиш кўрсатуви.
22.10 «Уй остонадан бошланади».
22.40 «Юлдузлар жилоси».
23.00 «Жонли тил».
24.00 Эълонлар.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мумтоз ашулалар». Шотурсун, Хожиакбар, Шорасул Шожалиловлар куйлайди.
8.50 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
9.30 «Қарор ва ижро». Акциз марказлари.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳотира». Адабий кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 География.
12.00 «Мехрибонлик». Бадиий фильм.
13.40 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.00 «Аввал иқтисод».
19.15 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулокот.
20.25 Ўқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.30 «Одобнома».
21.45 Дилнавоз садолар.
22.05 «Қари билганни пари билмас».
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Навбаҳор».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Уйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-чик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.50 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка+...»

Россия давлат телевидениеси
18.30 — 19.20

19.20 «Қўнғир айиқ ҳақида». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

19.45—20.35

20.35 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокурсатув.
21.15 Эълонлар.
21.20 «Янги қурбон». Телесериал.
22.05—22.10 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
19.30 «Клип-антракт».
19.35 «Она».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион радиний фильм.
20.50 «Клип-антракт».
20.55 «02» тўлкинида.
21.10 «Каталог».
21.25 «Эколот-коктейль».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Клип-антракт».
22.05 «Кобра». Телесериал.
22.50 Эълонлар.
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25, «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
8.50 «Юзма-юз». Мулокот.
9.10 «Халқ манфаатини ўйлаб». «Ўзбектелефильм» премьераси.
9.30 Немис тили.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар».
10.30 Физика.
11.00 «Юсуф ва Зулайхо». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
13.25 «Довондан довонгача».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Аудитория».
18.50 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.00 «Тақдим».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Ўқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Фан уфқлари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Таниш ва номаълум».
21.50 Янги қушиқлар.
22.00 «Морена Клара». Телесериал.
22.40 «Репортаж».
23.00 «Учрашув».
23.20 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Бизнес ҳафта якунлари».
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Ғузалликда танҳо — Ватаним.
9.05 Беш халқа олқишлари.
9.10 Турон аждодлари меросси.
9.15 Бир қулингда қиличинг бўлсин.
9.25 Ешлик, сени ким севмаган...
9.35 Беш халқа олқишлари.
9.40 Дилдаги тилаклар.
9.45 «Мультдаста».
10.10 «Табиат шифохонаси».
10.20 Дилором наволар.
10.35 «Таманно».
10.45 Мусиқий майдонча.
11.10 Видео янгиликлари.
11.35 Видео — «О».
13.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 Кинохроника.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Ахборот» (рус тилида).
19.05 Эълонлар.
19.20 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Уйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 — 23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.

Россия давлат телевидениеси
18.05 — 19.20

19.20 «Бу ажиб дунё».

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

19.45—22.25

22.25 Эълонлар.
22.30 «Янги қурбон». Телесериал.
23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
18.55 «Учқун».
19.05 «Билиб куйган яхши».
19.50 «Мусиқий меҳмонхона».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Утмишсиз келажак йўқ».
20.55 Араб эстрадаси.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Фан ва технология». Компьютер тармоқлари.
21.50 Эълонлар.
22.05 «Сизни хотирлаймиз». Ботир Зокиров.
22.20 «Юлдузлар жилоси».
22.50—23.00 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Таранnум». Мусиқий дастур.
9.05 «Аёл борки, олам мунаввар...». Публицистик курсатув.
9.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа.

«Ешлик стулияси намойиш этади:

10.20 «Ешлар билан...».
10.50 «Мактубларингизни ўқиб...».
11.20 «Футбол майдонларида».
11.50 «Тошларга битилган қушиқ». Хайкалтарош Ахмаджон Шоимуродов.
12.20 «Цирк! Цирк! Цирк!».
13.00 «Бегоналарга кириш мумкин эмас — «мумкин». Бадиий фильм.
14.15 — 14.45 «Ватан мадҳиялари».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қушиқ».
19.05 «Мехр қолур...»
19.25 «Ўқкуш».
19.35 Эълонлар.
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Рангин дунё».
21.40 Саида Зуннунова. «Ёлғизлик». Телеповесть.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.00 «Заковат».
22.10 «Имкон чўқилари».
22.25 «Бегона». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 Кинохроника.
9.30 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Уйинчоқлар растаси».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Камолот».
12.00 Видео — «О».
13.40 — 14.40 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Нозиза ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дублёж».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зинданги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дукон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

16.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

Россия жамоат телевидениеси
16.20—21.40

21.40 Эълонлар.
21.45 «Спрут». Телесериал.

Россия давлат телевидениеси
22.45 — 23.15

23.15 — 23.35 «Бухоро зардўзлари». Телефильм.

IV

9.00 «Шанба эртаги».
10.00 «Бизнес мирас».
10.30 «Чинсэн».
11.00 «Эсдалик учун дастхат».
11.30 Эълонлар.
11.35 «Комедиантлар».
11.45 Кининг олтин асри. «Шайтон ва 10 насиҳат». Бадиий фильм.

***

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.05 «Шанба оқшомида».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Клип-антракт». Хулио Иглесиас.
19.35 «Комедиантлар».
19.55 «Спектаклдан сўнг».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Клип-антракт». Хулио Иглесиас.
21.05 «Ўзим учун 5 дақиқа». Фойдали маслаҳатлар.
21.10 Кининг олтин асри. Робер Оссейн ва Мишель Мерсье «Анжелика газабда» фильмида.
22.45 «Спорт-дайджест».
23.15 «Эллада».
23.30 Эълонлар.
23.45 «Клип-антракт». Хулио Иглесиас.
23.50 «Олам ва одам».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Раксларнинг гулдастаси». Вилоят Окилова саҳналаштирган раклар.
9.00 Анвар Обиджон. «Кулгу бўлар ҳаммага». «Томоша» болалар фолклор театрининг спектакли.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.30 «Мультипанорама».
11.50 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
12.30 «Қушиғим, жон қушиғим».
13.10 М. Бобоев. «Кунгил қучалари». Видеофильм. 8-кун.
13.50 — 14.50 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Лего» саийераси».
18.15 «Ал-Бируний орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.20 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.30 Илҳом сатрлари.
21.40 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Шарқ ва ғарб».
22.15 ЎзТВ экранида премьера. М. Бобоев. «Кунгил кучалари». Видеофильм. 9-кун.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Нефтчи».
00.45 «Келгуси ҳафтада».
01.00 Тунги тароналар.
01.10 — 01.20 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Мультдаста».
9.30 «Жозиба».
9.40 «Дублёж».
9.45 «Жозиба».
10.00 «Зинданги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дукон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Дараҳчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультдаста».
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Дилором наволар». Мусиқий дастур.
19.05 «Таманно».
19.15 «Дармон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.05 «Нозиза ва ношукурлар». Телесериал.
21.55 «Дараҳчи».
22.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 — 00.25 Видео — «О».

III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

Россия жамоат телевидениеси
17.20—21.45

21.45 Эълонлар.
21.50 «Спрут». Телесериал.
23.20—23.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 Эълонлар.
9.45 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.15 «Томоша» табриги».
11.45 «Парле ву франсэ?».
12.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
12.45 «Нотавонлар». Кисқа метражли бадиий фильм.
13.35 Эълонлар.
13.40 «Биз билан куйланг».
14.20 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.50 Киносалон. «Криминал ўқуви». Бадиий фильм.

* * *

17.15—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Телеташирф».
19.10 «ТВ IV да етти кун».
19.25 «Дабл». Ешлар учун мусиқий курсатув.
19.45 «Туризм-ревю».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
20.55 Киносалон. «Аль Пачино ва Роберт Де Ниро «Олишув» фильми.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Дарвоке». Дам олиш дастури.
00.15 «Иштирок этувчилар». Баҳром Бобуев.
00.45 Эълонлар.
00.50—01.00 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).